



Ислом Нури

Аллоҳ таоло айтади:

«...»

«Эй мўминлар, сизларга аламли азобдан нажот берадиган бир «тижорат»ни кўрсатайми? (Ўша «тижорат» мана будир)— Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтирасизлар ва Аллоҳ йўлида мол ва жонларингиз билан жиҳод қиласизлар. Мана шу агар билсангизлар ўзларингиз учун энг яхши (иш)дир» (Саф: 10, 11).

...»

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Амалларнинг қайсиниси энг афзал?» деб сўралди. «Аллоҳ ва Расулига иймон келтириш», дедилар. «Ундан кейин қайсиниси?», дейилди. «Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш», дедилар. «Ундан кейин қайсиниси?», дейилди. «Мабрур (яъни, мақбул) ҳаж», дедилар (Муттафақун алайх).

...»



Аллоҳнинг оятлари билан сусаймасдан намозда бедор бўлган, то Аллоҳ йўлидаги мужоҳид (жиходдан) қайтиб келгунича рўза ва намозда тўхтовсиз давом этган киши кабидир» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Аллоҳ йўлидаги жиход улкан машшаққатли ва Аллоҳ йўлида жонни фидо қилишга олиб келувчи амал бўлгани, Аллоҳнинг динини таратишдек буюк яхшиликни ўз ичига олгани, одамларнинг динга киришларига ва мусулмонлардан кофирларнинг озорларини даф қилишга сабаб бўлгани учун ҳам энг афзал амаллардан саналади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Аллоҳ йўлидаги жиход буюк манзилат-ўринга эга;
2. Жиход энг афзал амаллардан;
3. У дўзахдан нажот топишга сабабдир.